

ISSUES OF DETERMINATION OF SIGNIFICANCE IN AUDIT INVESTIGATIONS

Н.Хасанова

Assistant of the Department of Financial Analysis and Auditing, Tashkent State University

Annotation. This article discusses the issues of improving the methodological issues of determining the level of materiality in audits. As a result of the study, taking into account the important role of audit in the national economy, recommendations were developed to improve the process of further improvement and development of the audit system.

Keywords: audit, national audit standards, international financial reporting standards, audit organization, ACCA (Association of Certified Accountants), CPA (Certified Accountants).

Tayanch suzlar: auditorlik tekshiruvi, auditorlik faoliyatining milliy standardlari, moliaviy hisobotning halqaro standardlari, auditorlik tashkiloti, ACCA (Certificatlangan accountantlar uyushmasi), CPA (certificatlangan accountantlar).

Иқтисодиётни эркинлаштириш ва Республикамизда бозор иқтисодиёти асосларини мустаҳкамлашга йўналтирилган ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизациялаш шароитида банк-молия тизими ва хусусий тадбиркорлик сектори барқарорлигини таъминловчи аудит тизими муҳим аҳамият касб этади. Зеро, мустақил хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини самарадорлик ва унумдорлик кўрсаткичларига асосан баҳолаш, ҳамда корхоналар бошқарув ва молиявий фаолияти билан боғлиқ муаммоли масалалар юзасидан асосли тавсия, ҳамда йўналиш беришда замонавий мустақил аудит хизмати муҳим рол ўйнайди. Бу эса миллий иқтисодиётнинг хусусий сектори ривожига, шу жумладан хусусий тадбиркорлик ва молиявий муносабатларини қўллаб-қувватлаш, ҳамда мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эга.

Буларнинг барчаси ҳукуматимиз томонидан оқилона сиёсат олиб бораётганлигидан далолат беради, яъни биринчи навбатда аудиторлик фаолияти тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантиришга қаратилган имтиёزلарни бериб, аудиторлик фирмаларнинг моддий техникавий базасини яратиш, аудиторларни халқаро аудиторлик стандартлари асосида аудиторлик текширувларини олиб бориш имкониятини беришга қаратилан малакаларини ошириш, жумладан халқаро тан олинган бухгалтерлар сертификатларини олиш ACCA (Association of Chartered Certified Accountants), CPA (Certified Public Accountant) шундан кейин эса аудиторлик фирмаларига аудиторлик текширувларини сифатини оширишга қаратилган лицензион талаблар қўйилмоқда. Аудиторлик фаолиятини олиб борадиган фирмаларга қўйиладиган лицензион талабларининг баъзилари қуйидагилардир: аудиторлик ташкилоти устав капиталининг камида эллик бир фоизи мазкур аудиторлик ташкилотининг штатдаги бир ёки бир неча аудиториға тегишли бўлиши керак; аудитор фақат битта аудиторлик ташкилотининг муассиси (иштирокчиси, акциядори) бўлиши мумкин; аудиторлик ташкилотини аудитор малака сертификатига эга бўлган раҳбар бошқаради; икки йил мобайнида аттестациядан ўтмаган раҳбар аудиторлик ташкилоти раҳбари сифатида фаолият юритиш ҳуқуқига эга эмас; аудиторлик ташкилотлари аудиторлик хизматини кўрсатиш тўғрисида тузилган шартнома асосида ўз фуқаролик масъулиятини суғурта қилиш полисига эга бўлган тақдирда аудиторлик фаолиятини амалга оширади; аудиторлик ташкилотлари битта хўжалик юритувчи субъектнинг аудит текширувини уч йилдан ортиқ кетма-кет ўтказишга ҳақли эмас.

Юқоридагилар аудиторлик ташкилотлари томонидан аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари асосида кўрсатиладиган аудиторлик хизмати хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини

яхшилашда ва уларни самарадорлигини оширишда муҳим шартлардан бири бўлиб ҳисобланади. Улар хўжалик юритувчи субъектларни молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш даражасини, фойдаланилмаган ишлаб чиқариш резервларини аниқлашда, хўжалик юритувчи субъектларни келгусида молиявий ҳолатини янада яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш имконини яратади.

Жаҳонда халқаро миқёсда аудиторлик фаолиятини юритувчи тўрт нафар энг йирик фирмалар мавжуд. Ушбу фирмаларнинг ҳар бири дунёнинг деярли барча йирик шаҳарларида ўз офисларига эга. LG, Samsung, Toyota, General Motors каби йирик корпорацияларни фақатгина катта ресурслар ва профессионал ходимлар штабига эга бўлган аудиторлик фирмалари текшириш имкониятига эга эканликлари сабабли, уларни фақатгина “Катта тўртлик”га кирувчи фирмалар текшириши мумкин. Бу фирмалар молия, солиқ, компьютер технологиялари каби соҳаларда ҳам хизмат кўрсатадилар. Аммо аудит хизмати улар томонидан кўрсатиладиган хизматнинг асосий ҳажмини ташкил этади. “Катта тўртлик”га кирувчи фирмалар қуйидагилардир: 1. Deloitte & Touche; 2. Ernst & Young; 3. KPMG; 4. PriceWaterhouse Coopers. Ушбу фирмалар халқаро миқёсда фаолият юритадилар ва Microsoft, Citi Bank, HSBC каби дунёнинг йирик корпорациялари ҳамда банк муассасаларига аудит, солиқ, корпоратив молия ва менежмент – консалтинг соҳаларида хизмат кўрсатадилар. Ушбу фирмаларнинг йиллик даромади миллиардлаб АҚШ долларини ташкил этади.

Республикамизда аудиторлик фаолияти тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантиришга қаратилган йўналишлардан (мақсадлар) бири ҳам маҳаллий аудиторлик фирмаларини халқаро майдонда тан олинадиган, ўзининг салоҳияти билан халқаро аудиторлик компаниялари билан бир қаторда тура оладиган фирмаларга айлантиришдир, ҳозирги кунда бунга эришилмоқда.

Хулоса Умумий хулоса тарзида қисқача шуни айтиш мумкинки, муҳимлик даражасини баҳолаш аудиторлик текширувининг муҳим босқичларидан бири бўлиб ҳисобланади. Унинг малакали амалга оширилиши нафақат сифатли аудиторлик ҳисоботи ва хулосаси тузиш, балки аудиторлик ташкилоти каби, мижоз-ташкилотнинг ҳам барқарор ривожланишига замин яратади. Аудиторлик текширув муваффақиятли яқунланиб, солиқ органлари томонидан мижоз-корхонага эътирозлар билдирилмаса, аудиторлик ташкилоти нафақат даромад олади, унинг обрў-эътибори ҳам ошади, натижада, аудиторлик ташкилоти ўз мижозларини сақлаб қолишга ва янгиларини орттиришга, ҳамда аудиторлик хизмати бозорида юқори рейтингга эришишга муваффақ бўлиши мумкин.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни. 2016 йил 13 апрель. www.lex.uz
2. «Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос». Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 30.11.2021 й., 10/21/3338/1117-сон. www.lex.uz
3. Шоалимов А.Х. ва бошқалар. Иқтисодий таҳлил. Ўқув қўлланма. –Т: Лессон-пресс, 2016